

Атир сепса ғусл вожиб бўладими?

17:47 / 11.10.2021 4294

Ассалому алайкум.

Аёл киши атир сепиб кўчага чиқса, жунубликдан поклангандек ғусл қилмагунча ибодатлари, намозлари қабул бўлмайди деган маънода ҳадис бор деб эшитдим. Агар шундай ҳадис келган бўлса тўлиқ айтиб берсангиз. Агар бу рост бўлса атир сепилган ҳолатдаги намозлар бошқаттан ўқиладими?

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! Ғусл вожиб бўлмайди. Имом Насай шундай ривоят келтирадилар: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўзларига йўлиққан бир аёлда хушбўй ҳидни сезиб қолиб: «Эй Жабборнинг чўриси, масжиддан келдингми?!» дедилар. У аёл: «Ҳа», деб жавоб қайтарди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Мен ўз ҳабибим, Абулқосим соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аллоҳ таоло ушбу масжидга хушбўй атир сепиб келган аёлнинг намозини то у аёл жунубликдан кейин ғусл қилгандек ғусл қилмагунча қабул қилмайди», деганларини эшитганман, дедилар». Имом Термизий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир кўз зинокордир. Қайси бир аёл атир сепиб олиб, бир мажлис аҳли олдидан ўтса, бундоқдир, бундоқдир», деб оғир нарсани айтганлар.

إِذَا لَاقَ الْمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَصَّيْبٍ لِّلَّ عُنَّ عُلَّ لَلِ يَضَرُّ سَوْمَ يَبَّأَنَّ
أَدِي دَشَّ الْوَقَّ لَاقَ، أَذْكَوْ أَذْكَيْ هَفَ آهَ حَيْرِ أُوْدَجَّيْ لِمَوْقِلِ لَإَلَّ عُتَّرَمَفُ ؕ أَرْمَلِ لَتَرَطَّعَتْ سَا
نَنَّ سَلَّ أَبْأَحْصَأَ هَاوْرَ

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон аёл киши атир сепиб, унинг ҳидини билдириш учун бир қавмининг олдидан ўтса, у бундоқ-бундоқдир», деб қаттиқ гап айтдилар». «Сунан» эгалари ривоят қилган. Шарҳ: Бошқа бир ривоятда «ўша аёл зониядир», дейилган. Чунки хушбўй нарса ила бегона эркакларнинг эътиборини қасддан жалб қиладиган, кўнгилларининг суст кетишига сабаб бўладиган аёл яхши аёл бўлмайди. Бу нарсага аёл-қизларимиз алоҳида эътибор бермоқлари лозим. Ислонда аёл кишининг ўткир ҳидли хушбўй нарсаларни ўзига суртиб олиб, бегона эркакларнинг

шаҳватини қўзитишлари ўта маданиятсизлик ҳисобланади. Маданиятли муслима бундай вазиятда ҳиди кучсиз хушбўйларини ишлатади. Бу ҳақда ҳам юқорида баҳс юритганмиз. («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан).

Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати